



## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЭТНОГРАФИК ХАРАКТЕРДАГИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Омонбоева Дилрабо Номонжон қизи<sup>1</sup>

Фарғона давлат университети, Лингвистика (инглиз тили)  
йўналиши 2-босқич магистранти,

Мирзаева Дилшода Икромжоновна<sup>2</sup>

Фарғона давлат университети, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD).

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-09>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 04<sup>th</sup> February 2023

Online: 05<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Тилшунослик, тил,  
глобаллашув, фолкёр, халқ  
оғзаки ижоди, урф-одат,  
этнография.

### ABSTRACT

*Тилшунослик ва адабиётшуносликни боғлаб турувчи унсурлардан бири фолкёр, яъни халқ оғзаки ижоди намуналари хисобланади. Мазкур мақолада айнан шу адабий тур этнографик аспектда тилшунослик нуқтаи назардан таҳлилга тортилган.*

Глобаллашув кучайиши билан ўзлиги – тили, урф-одати ва маданиятини сақлаб қолишга интилаётган, уларнинг бу умумий гирдобда омон қолишини хоҳлаётган халқлар этнография ва этнолингвистикага алоҳида эътибор қаратадилар. Маълумки, этнолингвистика – тилшуносликнинг халқ (миллат, элат) ва унинг тили орасидаги алоқа ва муносабатни этнолисоний (этник маданият ва этник тил муштараклиги тамойили) асосда ўрганувчи соҳа. У, асосан, икки йўналишда иш кўради:

- халқнинг этнолисоний хусусиятини тавсифий асосда ўрганиш;
- халқнинг этнолисоний хусусиятини тавсиявий асосда ўрганиш.

Биринчи мақсадни шартли равишда ташқи ва иккинчисини ички мақсад дейиш мумкин. Тил ва этник хусусият муносабати, уларнинг бир-бирига таъсири икки йўсинда кечадиган жараён:

- этник омил (урф-одат, анъана, фалсафий, диний қарашлар ва ҳ.) нинг тил ривожига таъсири;
- лисоний омилнинг этнос (ва этник хусусият) ривожига таъсири. [1, 157]

Бир халқда этник хусусият (урф-одат, анъана, фалсафий, диний қарашлар) унутилиб, бунга мос равишда уларни ифодаловчи тил бирликлари ҳам фаол лисоний хазинадан чиқиб, ўтмиш воқелигига айлана боради. Натижада миллат, халқ, елатнинг ўзлигига путур йета бошлайди. Миллат, халқ, элат ўз маънавиятидан маҳрум бўлиб боради. Бу, муқаррар равишда, фаол лексикада ҳам ўз аксини топади. Тил лексикасида этнографик микросистема таназзулга учрай бошлайди. Бу этник омилларнинг тилга таъсиридир. Пировардида этнографик лексикага эга бўлмаган миллат фарзандлари онгидаги этнолисоний бўшлиқ ғайриэтнолисоний унсурлар билан тўлиб боради. Тил ва этник хусусият таъсирини ажратиш фақат тадқиқий мақсадда бўлиб, бу ажратиш нисбий табиатга эга, аслида улар яхлит содир бўладиган узлуксиз ва узвий жараён.



Етнолингвистика тил ва унинг ривожига этник гуруҳларнинг қанчалик ҳисса қўшганини ҳам, бу жараёнда этнослар орасидаги яқинлик, муштараклик ёки уларнинг бир-биридан ажралиш, узоқлашиш хусусиятларини ҳам тадқиқ қилади. Бу юқорида айтилган биринчи, ташқи мақсад учун аҳамиятлироқ. Биринчи мақсадда кўпроқ тавсифий тадқиқ методикаси асосида иш кўрилади. Тилшуносликнинг этник номшунослик (ономастика), ареал (худудий) лингвистика, лингвистик жўғрофия, диалектология (шевашунослик), тил тарихи, социоллингвистика, хариташунослик соҳалари этнолингвистиканинг мазкур тавсифий усулда қўлга киритган илмий натижалардан фойдаланади. [2, 58]

Ҳар бир миллат маданиятини унинг урф-одат, анъана ва қадриятларидан ажратган ҳолда тассавур этиб бўлмайди. Етнографик лексика номи остида бирлашган этнографизларни ўрганиш миллий урф-одат ва қадриятларни тадқиқ етишда аҳамиятли. Урф-одатлар муайян этноснинг ўзига хосликларини намоён этади, бутун этнографик системада лисоний белги сифатида фаол ўринга эга, шу жиҳати билан тилшунослик учун муҳим. Ҳар бир тил лексик макросистемасида алоҳида бир микросистемани ташкил этувчи, этнографик тушунчани ифодаловчи лексемалар тизими мавжуд. Ушбу лексемаларни ўрганиш учун тилшуносликнинг махсус соҳаси-этнолингвистика шаклланиган, у лингвистик соҳа сифатида лингвистик универсалияларни ҳам, хусусий жиҳатларни ҳам ўрганади. Шунинг учун умумий ва хусусий этнолингвистика фарқланади. Умумий этнолингвистика этнографик тил ҳодисаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши каби умумий масалалар билан шуғулланса, хусусий этнолингвистика айрим тилларга хос этнографизмларни шу нуқтаи назардан тадқиқ қилади. Тилшуносликда этнографик таҳлил учун аксар ҳолларда халқ урф-одатлари, анъаналарига тегишли тушунча номлари объект сифатида олинади. Ўзбек тилшунослигида этнографизмлар тадқиқига, асосан, XX асрнинг 70-80-йилларида киришилди. Собиқ Иттифоқ даврида халқ урф-одатларига йетарли даражада эътибор берилмасдан, уларнинг ескилик сарқити дея баҳоланиши бу муаммога доир илмий тадқиқотлар доирасини ҳам чеклаб қўйган. Бу борадаги илк тадқиқот ишларини А.Жўрабойев ва З.Хусаиновалар амалга оширдилар. А.Жўрабойев тадқиқотда халқимизнинг хилма-хил кўринишга эга урф-одати мавжудлиги ва уларнинг тилимиздаги номлари ҳамда уларни ўрганишнинг назарий-амалий аҳамиятини кўрсатиб ўтган. Бундан ташқари, урф-одат, анъана ифодалари бўлган этнографизмлар Ш.Нуруллаева, Й.Бобожонов каби тадқиқотчиларнинг ишларида формал тадқиқ усулларида кенг ўрганилган. М.Қаҳҳорова эса этнографизмларни лисон нутқ мусаннияти асосида системавий тадқиқ қилган. Айнан юқорида санаб ўтилган илмий изланишлар, диссертация, дарслик ва ўқув қўлланмалар адабиёт сифатида тадқиқга тортилди. [5, 97]

Етнография халқ оғзаки ижодига қизиқишнинг пайдо бўлиши фольклор йиғувчилар билан боғлиқдир. Етнография юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, “этнос” – халқ, “графия” – тавсифлаш деган маъноларни англатади. Фольклор ижодиётига қизиқиш ХВИИИ асрда Ғарбий Европада кучайиб борди ва XIX аср бошларида фан ва санъат фалсафасида романтик тенденциянинг пайдо бўлиши бутун илмий йўналиш – фольклорнинг шаклланишига туртки бўлди. Россияда бу жараён Европага қараганда



бироз кечроқ XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида содир бўлди. 1846-йилда Рус география жамиятининг тузилиши натижасида Россияда этнография йўнилишидаги дастлабки тадқиқотларга асос солинган. Ушбу жамиятнинг асосий мақсадларидан бири ўша даврда Россиянинг мустамлака минтақалари табиати, табиий бойликлари, ўтмиш тарихини тадқиқ этиш билан бирга мазкур минтақаларда яшовчи халқларнинг этник хусусиятларини, миллий қадриятларини ўрганиш бўлган. Айниқса, Чор Россияси маъмурларининг Сибир, Ўрта Осиё, Кавказга бўлган қизиқишлари натижасида мазкур ҳудудларни ўрганиш учун ташкил етилган қатор комплекс экспедициянинг ҳукумат тамонидан молиявий кўмак берилиши мустамлака турмуш тарзи, миллий анъаналарини ва этнографиясига оид муҳим маълумотларнинг йиғилишига сабаб бўлган. Шу экспедиция асосида Россияда рус этнографияси мактаби шаклланган унинг асосчиси Миклухо Маклайнинг хизмати беқиёсдир. Шунингдек, Россияда Етнография институтлари ҳам очилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. У ўз тадқиқотларида инсониятнинг аждодлари бир еканлигини, турли ирқлар ва халқлар орасида жисмоний ва психологик фарқлар нисбий эмаслигини исботлашга ҳаракат қилган. Олимнинг ёзишича, халқлар орасидаги фарқ уларнинг табиий ва ижтимоий шароитлари билан изоҳланади. Етнографик манбаларида ўз аксини топган тарихий маълумотлардан тадқиқотларда таянч далил сифатида фойдаланиш тажрибаси узоқ ўтмишга тегишли бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари, диний эътиқоди, тили хусусидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олган антик давр тарихчилари Геродот, Тезий, Полиен сингари олимларнинг асарларида, шунингдек, Шарқнинг Ҳамза Исфаҳоний, Табарий, Масъудий, Беруний, Саолибий, Балъамий ҳамда Абулғози Баҳодирхон сингари етук мутафаккирлари томонидан яратилган асарларда тарихий маълумотлар билан бир қаторда, халқ оғзаки ижоди намуналари таҳлилига ҳам кенг ўрин берилиши бунинг яққол мисолидир. Хусусан, Ўзбекистонда 1870- йилда Самарқанд, Бухоро, Урганч бўйича уюштирилган илмий экспедиция (Н.Н.Каразин, Н.Й.Симанов) лар ўз даври учун муҳим этнографик маълумотлар тўплаш имконини берган. 1921-йилда эса этнограф олимлардан ташкил топган “Туркистон туб аҳолисининг маиший турмушини ўрганиш илмий комиссияси” ташкил топган. 1928-30 йилларда йирик ўзбек фолклоршунослари Ғози Олим Юнусов ва Ҳоди Зарипов ҳамда машҳур рус этнографи Л.П.Потапов тамонидан ўзбек халқининг маданияти, этнографияси ва фолклорини ўрганиш борасида махсус экспедиция уюштирилган ва маҳаллий халқнинг ўзига хослиги жиҳатидан жуда бой материаллар тўплаганлар. Етнография фани тадқиқотчиларидан бири тарих фанлари доктори А.Дониёровнинг ёзишича, ўша йилларда этнограф ва тарихчилар ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқлари ва улар аждодларининг келиб чиқиши–етногенези муаммосини фаол ўрганишга киришганлар. XX асрнинг 20-30 йилларига қадар этнография муаммолари билан фақат русийзабон олимлари шуғулланган бўлсалар, 30-йиллар охирига келиб Ш.Иноғомов, Т.Мирғиёсов, М.Юсупов, Ҳ.Ҳусанбойев, Г.Алимов, Аболтайев, М.Саиджонов каби маҳаллий мутахассис-етнографларнинг янги авлоди шаклланган. Барча миллатларнинг ўзига хос ноёб этнографияси мавжуд ва ҳар бир миллатнинг ўз маданиятини аниқлаш ва тадқиқ қилишда энг самарали этнографик техникаси ва усуллари ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилиши керак. Қолаверса, туркий халқлар



учун умумий бўлган «Урхун-Енасой» ва Уйғур битигларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Ҳасанхон», «Авазхон», «Маликайи айёр», «Рустамхон», «Кунтуғмиш» «Алпомиш сингари фолклоршуносликнинг этнография ёзма манбаларида «тарихий кўшиқ, ҳикматли сўзлар, ҳатто қадимий дostonларнинг характери акс еттирувчи парчаларни учратиш мумкинлиги», оғзаки ижод манбаларининг қадимда бадий ижод жараёнига ҳам кучли таъсир ўтказиш қудратига эга бўлганлигидан далолат беради. А.С.Раҳимов тамонидан «Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг тил системасида тутган ўрни» номли (монография) ва Бобожон Йўлдошнинг «Жанубий Хоразм этнографик лексикаси» номли (Автореферати), А.Гулшат тамонидан «Қоқақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг лингвомаданий таҳлили» номли десертация автореферати каби илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзбек этнографлари тамонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилган. Лекин, «Алпомиш» туркумидаги дostonларнинг этнографизмлари ва унинг лексик-семантик жиҳатлари бўйича биронта илмий тадқиқотлар қилинмаган. Бу муаззам асарлар ўзи мансуб миллатнинг тарихидан тортиб келажак орзуларигача қамраб олган. Ўзбек халқ эпослари она тилимизнинг беқиёс бойликлари, чексиз имкониятлари ҳамда унинг умумтуркий ва миллий босқичларига хос тарихий тараққиёт қонуниятларини акс еттирувчи лингвистик лавҳаларни ўзида асраб келатган мумтоз бадий манбалардандир. [7, 63]

«Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанада сўзлаган нутқида: «Аслида халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байтидир», - деб таърифлаши ҳам бежиз эмас. Айни пайтгача халқимизнинг бу бой хазиналари асосида фолклоршунослик, адабиётшунослик, тарих, этнография ҳамда тилшуносликка улкан ҳисса бўлиб кўшиладиган қатор илмий тадқиқотлар яратилиб келинмоқда. Айниқса, уларнинг бадий тили, услубий хусусиятлари ва лексикасини ўрганиш бўйича қўлга киритилган самарали ютуқлар эпослар тилини янада чуқурроқ таҳлил етиш борасида олиб бориладиган янги-янги илмий изланишлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бироқ кўпгина тадқиқотларда сўз санъатининг илк намуналари сифатида баҳоланган фолклор асарларининг барча этнолингвистик, яъни этнографизм имкониятлари тўлалигича илмий таҳлил қилинган деб бўлмайди. Хусусан, бу манбалар сўз санъатининг ибтидоси сифатида тан олинар экан, демак, улар жонли тилни қайта ишлашнинг илк бадий воситаси сифатида ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Шу боис уларнинг этнолингвистик системада тутган ўрни, аҳамияти ҳамда умумхалқ тилининг қуйи ва юқори сатҳлари бўлган диалектлар (жонли сўзлашув тили) ва адабий тилга муносабати ҳамда ўзига хос тараққиёт қонуниятлари билан алоқадор масалалар тарихий изчиллик асосида атрофлича тадқиқ этилмоғи лозим. [4, 264]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир тил лексик макросистемасида алоҳида бир микросистемани ташкил этувчи, этнографик тушунчани ифодаловчи лексемалар тизими мавжуд. Ушбу лексемаларни ўрганиш учун тилшуносликнинг махсус соҳаси-этнолингвистика шаклланган, у лингвистик соҳа сифатида лингвистик универсалияларни ҳам, хусусий жиҳатларни ҳам ўрганади. Шунинг учун умумий ва



хусусий этнолингвистика фарқланади. Умумий этнолингвистика этнографик тил ҳодисаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши каби умумий масалалар билан шуғулланса, хусусий этнолингвистика айрим тилларга хос этнографизмларни шу нуқтаи назардан тадқиқ қилади. Урф-одатлар муайян этноснинг ўзига хосликларини намоён этади, бутун этнографик системада лисоний белги сифатида фаол ўринга эга, шу жиҳати билан тилшунослик учун муҳим.

## References:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. - Б. 4-14;
2. Холмирзаева С.Ш. Ўзбек халқ эпосидаги бадиий шартлиликнинг ўзига хос хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т., 1990;
3. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. - Б. 43-56;
4. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. - Т.: Ўқитувчи, 1971. - Б. 41-55;
5. Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида (сўнгги сўз) / Авесто. - Т.: Шарқ НМАК, 2001. - Б. 358-383;
6. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти (қадимги давр фольклори) / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Т.: Фан, 1988. - Б. 25-35;
7. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006;
8. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001;